

**Вазирлик тизимида “Бюрократияни бартараф этиш – 2030” дастури
доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида
м а ъ л у м о т**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматларини соддалаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Айниқса, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш, ҳужжат айланмасини қисқартириш, инсон омилини камайтириш ва давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ортиқча вақт ҳамда маблағ сарфлашининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Бюрократияни бартараф этиш – 2030” дастури ҳам давлат бошқарувида замонавий ёндашувларни жорий этиш, ортиқча тартиб-таомилларни қисқартириш ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали самарадорликни оширишга қаратилган муҳим дастурлардан бири ҳисобланади.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Сув хўжалиги вазирлигида ҳам бюрократик жараёнларни қисқартириш, ички бошқарув тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Сув хўжалиги соҳасида самарадорлик ва натижадорликка эришишнинг муҳим омилларидан бири рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобланади. Зеро, рақамлаштириш орқали маълумотларнинг аниқлиги таъминланади, қарор қабул қилиш жараёнлари тезлашади, инсон омили таъсири камаяди ҳамда коррупция ва бюрократия билан боғлиқ хавфлар қисқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 13 октябрдаги “Сув соҳасини рақамлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш ва барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–183-сонли Фармониға мувофиқ соҳадаги 10 та ахборот тизими такомиллаштирилиб, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берувчи “Рақамли сув хўжалиги” ягона платформаси ишга туширилди.

Мазкур платформа таркибидаги “Сув ҳисоби” ахборот тизими соҳадаги энг муҳим рақамли ечимлардан бирига айланди. Тизимнинг жорий этилиши натижасида сув ҳисобини юритиш жараёнлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Илгари кўплаб ҳужжатларни қоғоз шаклида расмийлаштириш талаб этилган бўлса, бугунги кунда мазкур жараёнлар автоматлаштирилган тарзда амалга оширилмоқда.

Натижада сув етказиб берувчилар ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида ҳар йили 65 мингдан ортиқ сув етказиб бериш шартномалари ҳамда ҳар ойда 70 мингдан зиёд етказиб берилган сув ҳажмларини тасдиқловчи далолатномалар электрон шаклда расмийлаштирилиб, QR-код орқали икки томонлама имзоланмоқда.

Бу эса ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини сезиларли қисқартириш, ортиқча қоғозбозликни бартараф этиш ва сувдан

фойдаланувчиларнинг идорама-идора юриш билан боғлиқ оворагарчилигини камайтириш имконини берди.

Шунингдек, фуқаролар ва сув истеъмолчилари учун қўшимча қулайликлар ратиш мақсадида “Suv hisobi” мобиль иловаси ҳамда my.gov.uz портали орқали ажратилган сув лимитларини онлайн кузатиш, шартнома ва далолатномаларни электрон кўриб чиқиш, имзолаш ёки рад этиш имкониятлари йўлга қўйилди.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан рақамли трансформация жараёнлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, “Насос станциялари”, “Сув хўжалиги объектлари” ҳамда “Мелиорация (МИС)” ахборот тизимларини тўлиқ ишга тушириш, уларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш ва маълумотлар интеграциясини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 мартдаги “Хулоса бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 169-сонли қарорига мувофиқ “Сув объектларидаги сув хўжалиги иншоотларини (қурилмаларини) кўчириш, реконструкция қилиш ва янгидан қуришга доир хулоса бериш” давлат хизмати Сув хўжалиги вазирлиги томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига киритилди.

Ушбу давлат хизматининг рақамли форматда ташкил этилиши муружаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш, ортиқча ҳужжатлар талаб этилишини қисқартириш, хизмат кўрсатиш муддатларини тезлаштириш ҳамда шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 6 июнь куни Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятида бюрократик жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, ортиқча ҳужжат айланмаси ва вақт талаб қилувчи тартиб-таомилларни қисқартириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Мазкур режада ички бошқарув жараёнларини янада рақамлаштириш, ижро интизомини кучайтириш, ҳужжатлар айланмасини мақбуллаштириш, давлат хизматлари сифатини ошириш ҳамда очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси босқичма-босқич таъминланмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар сув хўжалиги соҳасида замонавий, шаффоф ва самарали бошқарув тизимини шакллантириш, фуқаролар ва сув истеъмолчилари учун қулай хизматлар кўрсатиш ҳамда давлат бошқарувида бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилмоқда.

**Стратегик режалаштириш
ва методология бўлими**